

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM / Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БАХАДИРОВ КУДРАТХОН ГАЙРАТОВИЧ

**ЛИСТЛИ МЕТАЛЛАРНИ СОВУҚ ПРОКАТЛАШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Техника фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of the author's abstract of the thesis of the Doctor of Philosophy
(PhD) in the technical sciences**

Бахадиров Кудратхон Гайратович

Листли металлларни совуқ прокатлаш жараёнини
такомиллаштириш

3

Бахадиров Кудратхон Гайратович

Совершенствование технологического процесса холодной
прокатки листовых металлов

17

Bakhadirov Kudratkhon Gayratovich

Improvement of the technological process of cold rolling of sheet
metals

31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works

34

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM / Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БАХАДИРОВ КУДРАТХОН ГАЙРАТОВИЧ

**ЛИСТЛИ МЕТАЛЛАРНИ СОВУҚ ПРОКАТЛАШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1PhD/Т69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.tadqiqotchi@tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сайдахмедов Равшан Халходжаевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Махкамов Руфат Гулямович**
техника фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **«Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM / Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси-2. Тел./факс: (998971) 227–10–32 e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч. 2. Тел: (998971) 226-46-00

Диссертация автореферати 2017 йил “_____” _____ да тарқатилди
(2017 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

К.А.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д.Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Р.М.Михридинов
/Илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юздан ортиқ мамлакатларда листли металлларни прокатлаш усулида буюмлар ишлаб чиқишда унинг сифатини яхшилаш, хизмат муддатини ошириш ва энергия тежамкорлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Машинасозлик соҳасида 40% дан ортиқ металл буюмларга прокатлаш усулида ишлов берилади. Сўнгги йилларда листли металлларни совуқ ҳолда прокатлашнинг энергиятежамкор усуллари ишлаб чиқишга катта аҳамият берилмоқда. Шу билан бир қаторда прокатланган листларнинг механик хоссаларига қўйиладиган талабларнинг ошиши совуқ ҳолда пластик деформациялаш усули билан олинадиган листли металлларни ишлаб чиқишда ички зўриқиш кучларидан холи бўлган маҳсулот олиш технологияларини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда енгил автомобилларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган автомобилларни ишлаб чиқариш билан бир қаторда унинг бутловчи қисмларини локаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада автомобилсозликда қўлланиладиган листли прокат қисмларни тайёрлаш технологиясини ўзлаштиришда сезиларли натижаларга эришилиб, жумладан маҳаллий хомашёдан лист хомакиларини тайёрлаш имкони яратилди, керакли геометрик ўлчамдаги лист хомакиларини тайёрлаш учун технологиялар ишлаб чиқилди, прокатлаш усулида олинаётган лист маҳсулотларининг таннархи пасайтирилди. Шулар билан бир қаторда металлургия комбинатларининг экспорт қилинаётган прокат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган энергиятежамкор технологияларни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда металлургия комбинатларида қўлланиладиган иссиқлайин прокатлаш ўрнига энергиятежамкор технология асосида листли металлларни совуқ прокатлаш жараёнини такомиллаштириш асосида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида листли металлларни совуқ ҳолда прокатлаш жараёнини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, листли металлларни прокатлашда ўтимлар сонини оптималлаш, прокатлаш тезлиги ва листга тушадиган босимнинг маҳсулот механик хоссаларига таъсирини камайтириш технологиясини ишлаб чиқиш, прокат станларининг оптимал конструкциясини ишлаб чиқиш мазкур соҳани ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2011 йил 29 июлдаги ПҚ-1590-сон «2011 - 2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017- 2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тажрибасида листли металлларни босим билан ишлаш учун турли технологиялар ишлаб чиқилган. Такмиллаштирилган микроструктурага эга листли металлларни олишда прокатлашнинг ҳамда босим билан ишлов беришнинг технологиялари яратилган.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Жанубий Калифорния университети (АҚШ), Шимоли-ғарбий политехника университети (Хитой), Дрезден техника университетининг Материалшунослик институти (Германия) ҳамда мустақил давлатлар ҳамдустлиги олимлари томонидан прокатлаш жараёнини такомиллашган технологиясини ишлаб чиқиш учун муҳим илмий ишланмалар қилинган. Улар металлларнинг прокатлаш технологиясини такомиллаштиришда янги прокатлаш станлари конструкцияларини ишлаб чиқиб, олинаётган материалнинг физик ва механик хоссаларини оширишга эришган.

Ўзбек олимларидан Ф.С.Абдуллаев, Р.У.Каламазов, Р.Г.Маҳкамов ва бошқалар лист материалларига босим билан ишлов беришда маҳсулот юза текислигини оптималлаш, ишчи юзаларнинг мустаҳкамлигини ҳамда буюмларнинг ейилишбардошлигини оширишни таъминлайдиган технологияларни ишлаб чиқишган. Профессор Р.Х.Сайдахмедов прокат станларининг конструкциясини такомиллаштириш орқали маҳсулотнинг ички зўриқиш кучларини камайтиришга эришган.

Ҳозирги кунгача пластик деформациялашни юқори босимда бураш ва тўғри каналли бурчакли пресслаш усуллари мавжуд бўлиб, улар фақат узлукли жараённи ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда узлуксиз технологияларни қўллаш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш, ҳамда прокатлашнинг энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган, республикада металлларни прокатлаш усулида ишлаб

чиқаришни ривожлантириш илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1978/07-2014 - (14/14) ««Узметкомбинат» АЖнинг рангли металллар ишлаб чиқариш шароитида мисни асимметрик прокатлаш ҳамда термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш» (2014–2016 йй.) хўжалик шартномаси, Ё-А-3-7 «Мис, алюминий ва улар асосидаги қотишмалардан тайёрланган листли материалларни асимметрик прокатлаш билан ултрадисперс (нано) заррачали маҳсулот олиш оптимал ва энергия ресурс тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади совуқ ҳолда листли металлларни прокатлашни такомиллаштириш асосида энергиятежамкор технологияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд бўлган технологиялар тадқиқотларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ҳамда прокатлаш режимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўналишини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш шароитида совуқ ҳолда симметрик прокатлаш технологиясининг энергия сарфини ҳисоблаш ва энергиятежамкорлик кўрсаткичлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

прокатланган листли металлларнинг физик механик хоссалари ва структураси қиёсий таҳлилини амалга ошириш;

листли металлларни совуқ ҳолда прокатлашнинг такомиллаштирилган энергиятежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қуйма ва прокат усулларида олинган полоса шаклидаги мис ва унинг қотишмалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ишлов берилаётган лист металининг механик хоссалари ҳамда прокатлашнинг энергия кучланишли параметрлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида листли металлларни узилишга синашнинг универсал усуллари, материал қаттиқлигини аниқлашнинг Бринелл ва Роквелл усуллари, чуқур деформацияланишни аниқлашнинг Эриксен усули, листли металлнинг макро- ва микроструктураларини ўрганишнинг оптик микроскопия усули қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

совуқ ҳолда симметрик прокатлаш қурилмасининг технологик параметрларини ҳисоблаш орқали прокатлашнинг самарали технологияси ва конструкцияси ишлаб чиқилган;

мавжуд прокатлаш технологиясини такомиллаштириш билан янги энергиятежамкор симметрик прокатлаш технологияси ишлаб чиқилган;

янги энергиятежамкор симметрик прокатлаш технологияси асосида олинган листли мис ва унинг қотишмаларини термик ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

мис полосасини прокатлашдан кейин термик ишлов беришнинг янги режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

листли металлларни совуқ ҳолда прокатлаш учун ишлаб чиқариш шароитида янги яримсаноат прокатлаш қурилмаси конструкцияси ишлаб чиқилган;

листли металлларни совуқ ҳолда прокатлашда энергия ва инсон ишчи ресурсларини 20-30% га қисқартириш имконини берувчи прокатлаш технологияси ишлаб чиқилган;

совуқ ҳолда прокатланган листли мис ва унинг қотишмаларига самарали термик ишлов бериш режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлаб чиқаришда қўлланилган ҳамда экспериментал тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш, мавжуд натижалар ёки маълумотлар билан таққослаш, амалий ҳамда назарий йўл билан олинган натижаларнинг солиштирилганлиги реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш орқали изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти прокатлашнинг оптимал параметрларини танлаш ҳисобига, мис ва унинг қотишмаларидан тайёрланган листли металллар хоссаларининг яхшиланиши ҳамда прокатлаш жараёнида сарф этиладиган энергия тежалиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти янги совуқ ҳолда симметрик прокатлаш технологиясини листли металлларга пластик деформация билан ишлов беришда сарф этилаётган энергия тежамкорлигини таъминлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Листли металлларни совуқ ҳолда прокатлаш жараёнини такомиллаштириш асосида сарф этиладиган энергия сарфини камайтиришга йўналтирилган илмий изланишлар натижаси асосида:

совуқ ҳолда прокатланган мис ва унинг қотишмаларини термик ишлаш технологияси «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖга жорий этилган («Ўзметкомбинат» АЖнинг 2017 йил 9 февралдаги 07/00-18/7-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш натижаси прокатлаш ўтимлар сонини 7 дан 5 гача камайтириш имконини берган;

қуйма усулида олинган полоса шаклидаги металлларни прокатлашда листли металлларга сарфланаётган энергияни тежаш технологияси «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖга жорий этилган («Ўзметкомбинат» АЖнинг 2017 йил 9 февралдаги 07/00-18/7-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш, янги ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланилиши энергия сарфини 5–7% га тежаш ва ҳар бир ўтишдаги ишчи валга тушадиган босимни 3% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми, компьютерда терилган матн, расмлар ва жадваллар билан 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаган муассасалар, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Листли металлларни совуқ ҳолда прокатлашнинг ҳозирги замон ҳолати таҳлили**» деб номланган биринчи бобида металлларни босим билан ишлаш, шунингдек механик хоссаларини яхшилаш ва прокатлаш учун энергия сарфини камайтириш мақсадида прокатлашда листли металлларни моделлаштириш принциплари ва янги технологияларини яратишга бағишланган тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.

Металлларни пластик деформациялаш механизмлари, поликристаллар деформацияси ва металлларнинг пластик деформацияланишидаги дислокациялар тадқиқотлари таҳлили келтирилган. Листли металлларнинг кристаллографик текстураларини ўрганиш, поликристаллнинг механик кўрсаткичлари келтирилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги замон техникасининг ривожланиши конструкцион ва функционал материалларнинг эксплуатацион характеристикаларига юқори талаблар қўяди. Металлларни прокатлашда энергия сарфини камайтиришнинг йўлларида бири – прокатлаш технологияси параметрларининг таҳлили ва дастгоҳ кўрсаткичларидан келиб чиқиб янги технологияни ишлаб чиқишдан иборат.

Прокатлаш жараёнида сарф этиладиган энергияни тежашда ҳамда листли металлнинг хоссаларини яхшилашда прокатлаш кучини камайтириш ва текстурани модификациялашда катта афзаллик беради. Катта микдордаги

деформациялар доналарни ультрамайда структурали шаклга келтириш имконини беради.

Пластик деформацияда куч олингандан сўнг деформацияланган металл ўзининг дастлабки шаклини тикламайди. Одатда хона ҳароратида металлларнинг пластик деформацияси диффузион механизм билан эмас, балки силжиш (сирпаниш) (юқори энергия нуқсонли қурилма металлларда) ва иккиламчи (қуйи энергия нуқсонли қурилма металлларда) рўй беради. Металлларда силжиш (сирпаниш) деформациялари катта атом зичлигига эга бўлган кристалл панжараларнинг текисликларида маълум йўналишларда дислокациялар ҳаракатининг кўтарилиши билан бир кристалл панжаранинг иккинчисига нисбатан силжиши силжиш кучланишининг (τ) таъсири натижасидир.

Адабиётларнинг критик таҳлили асосида металллар босим билан ишлашининг технологик жараёнлари бугунги ҳолатини ўрганиш, прокатлашнинг рационал параметрларини излаб топиш ҳозирги кунда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объекти, листли металлларни совук ҳолда прокатлаш стани ва унинг асосий параметрлари»** деб номланган иккинчи бобида листли металлларни прокатлашгача бўлган жараёнлар, прокатлаш дастгоҳи, унда бажариладиган ишлар ва унинг асосий натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг мақсади прокатлаш объектининг чуқур таҳлилин амалга ошириш ва прокатлаш жараёнида қўлланиладиган ёрдамчи дастгоҳларни ўрганишдан иборат.

Прокатлаш билан ишлов бериш қора ва рангли металлларни прокатлаш йўли билан турли буюм ва яримфабрикатлар олиш (прокат), шунингдек, сифатини ошириш мақсадида уларга қўшимча (термик) ишлов беришни ўз ичига олади. Прокат ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулотларига ярим хом ашё ёки заготовка, лист прокат, трубалар, машина деталларининг заготовкалари (ғилдираклар, халқалар, ўқлар, шарлар ва б) киради. Прокатлаш материални прокат стани валлари орасидан ўтказишга асосланган. Прокатлашнинг бўйлама, кўндаланг ва кўндаланг-винтли усуллари бор. Бўйлама усулда буюм қарамақарши йўналишда айланадиган валлар орасидан ўтказилиб, пластик деформацияланиши натижасида кўндаланг кесими кичраяди, узунлиги эса ортади. Прокатланадиган буюмларнинг 90 фоизи шу усулда олинади. Кўндаланг усул билан кўндаланг кесими узунлиги бўйича даврий ўзгарадиган заготовкалар, кўндаланг-винтли усул билан трубалар (кувурлар) прокатланади.

Даврий прокатлашда заготовка бир томонга айланувчи икки вал орасидан ўтади. Рангли металллар – алюминий, мис, магний, рух ва уларнинг қотишмаларини прокатлаб, ҳар хил кўндаланг кесимли лист, лента, сим ва зар қоғозлар тайёрланади.


Листли металлларни прокатлаш технологик жараёнига қуйидаги асосий операциялар киради: узлуксиз қуйиб олинган қуймани хوماки прокатлаш, тўғрилаш, фрезалаш, қиздириб прокатлаш (4-12 мм қалинликкача), рулон

қилиб ўраш ва совуклайин прокатлаш. Совуклайин прокатлангандан сўнг рулонлар ёйилиб, листларга кесилади ва термик ишлов берилади. Узлуксиз қуйиб прокатлаш усулида суюқ алюминий тақсимлагич новдан ўтиб, валиклар орасидаги бўшлиққа тушади, унда рангли металл валларга тегиб кристалланади ва ҳосил бўлган полоса стан валиклари орасидан узлуксиз чиқади.

Рулонли полоса суюқлантириш ва қуйиш қисмидан сўнг бир клетли тўрт валикли реверсив металлларни совуқ ҳолда прокатлаш дастгоҳи «MINO» 260/560x550 га узатилади (1-расм). Узлуксиз қуйилган рулон прокатлаш учун электркўприкли кран ёрдамида юклаш аравадаси 2 рўпарасидаги йиғувчи “кириш” столи 1га ўрнатилади. Келтирилган рулон тушириб олиш аравадасида олиниб рулон ечиш қурилмаси 3га транспортировка қилинади. Тушириб олиш аравадасидаги кўтариш қурилмаси билан рулон ечувчи қурилма барабанига ўрнатилиб ёрдамчи механизм 4 билан барабанга маҳкамланади.

Прокатлаш дастгоҳи ишга туширилгач сиқиш режими берилади ва таъминлаш режимида 5-10 м/мин тезликда ечиб олиш бошланади. Ечиш қурилмаси рулон учида ҳосил бўладиган букилишни тўғирлаш қурилмаси 5га эга, ечиш ҳамда ушлаш роликлари 6 ёрдамида полосани прокатлаш дастгоҳининг ушлаш роликларигача етказиб беради, ўз ўрнида улар полосани ишчи валиклар – клет 7 томон узатади. Роликли йўналтирувчи 8 ҳамда вертикал роликли йўналтирувчи 9 полосани прокатлаш чизиғида бўлишини таъминлайди.

Гильотин қайчилар 10 ёрдамида полоса учларини ушлаб туриш учун дефектли қисмлари кесиб ташланади. Гильотин қайчилари олдидан ўрнатилган қалинликни ўлчаш қурилмаси клет 11га кираётган ва чиқаётган рулоннинг қалинлигини ўлчаб туради.



1-расм. Бир клетли тўрт валикли реверсив совуқ ҳолда прокатлаш дастгоҳи 260/560x550 фирми «MINO»

Қалинликни ўлчаш қурилмасидан келаётган сигналлар прокатланаётган полоса қалинлигини автоматик равишда созлашда фойдаланилади. Прокатлаш бир клетли тўрт валикли реверсив совуқ ҳолда прокатлаш дастгоҳида амалга оширилади. Ишчи валларнинг мустаҳкамлигини ошириш ҳамда уларнинг эгилишини чеклаш учун ишчи валларга босиб турувчи валиклар 12 ўрнатилган. Улар ишчи валиклар 7 билан контактда бўлиб, ишчи ва босиб турувчи валиклар бўйинчалари ёстикчалар 13га маҳкамланган. Босиб турувчи валиклар етакловчи эмас, балки улар ишчи валик билан контакт натижасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи ҳисобиға ҳаракатланади. Прокатлашдаги кучланиш иккита гидроцилиндр 14 ёрдамида юқори ёстикчалар 15 орқали юзаға келтирилади. Валлар ҳамда деформация очагини совитиш ва мойлаб туриш учун минерал ҳамда ўсимлик мойли сувли эмульсиядан фойдаланилади.

Диссертациянинг **“Листли металлларни тадқиқ қилиш усуллари ва уларда олинган натижалар”** деб номланган учинчи бобида листли металлларни прокатлашдан олдинги ва кейинги экспериментал тадқиқотларининг методологияси ва натижалари келтирилган.

Намуналарнинг механик хоссаларини аниқлаш учун уларни прокатлашдан олдин ва прокатлашдан кейин бир ўқли универсал қурилма ёрдамида максимал 50 кН кучгача юклама билан чўзишға синалди.

Лаборатория тадқиқотлари совуқ ҳолда прокатлаш билан қисқартирилган технологик схема бўйича (қаттиқ ҳолати) ва бўшатишдан сўнг (юмшоқ ҳолатда) 3,0 мм ва 0,5 мм оралиқ ўлчамларда мис полосали намуналарда олиб борилди.

Қуйилган полосани синчиклаб кўрилганда юза ва ички нуқсонлар борлиги аниқланмади.

2 ва 3 - расмларда юмшатирилган (қуйдирилган) мис полоса микроструктураси келтирилган.



2-расм. 3,0 мм гача прокатланган ва юмшатирилган мис полосасининг микроструктураси (x100)



3-расм. 0,5 мм гача прокатланган ва юмшатирилган мис полосасининг микроструктураси (x100)

Прокатлашнинг ўтимлари 3-расмда кўрсатилган тадқиқ қилинган 8-намунанинг микроструктураси миснинг деформация ва юмшатишдан

кейинги рекристалланган ҳолатига тўғри келади. Кўндаланг кесим микроструктурасида ипсимон ва куйма структураси қолдиқлари йўқ– бу мисли полосанинг юқори деформацияланиш даражаси ва мақбул юмшатиш ҳароратлари билан тушунтирилади. Структура 35-40 мкм ўртача катталиқдаги тўғри ўқли мис доналаридан ташкил топган.

Термик ишлов бериш – металл ва қотишмаларнинг хоссасини ўзгартирувчи кенг тарқалган замонавий техник усуллардан бири ҳисобланади. Металлургия ва машинасозлик корхоналарида термик ишлов бериш заготовка, ярим тайёр маҳсулот ва машина деталлари ишлаб чиқаришни технологик жараёнларининг муҳим звеноларидан бири ҳисобланади. Термик ишлов бериш металл ва қотишмаларга бир томондан технологик хоссаларини (босим, кесиш ва бошқа усуллар билан ишлов берувчанликни) яхшилаш учун оралиқ операция, иккинчи томондан буюмларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини талаб даражасида таъминлаш учун металл ва қотишмаларни комплекс механик, физик ва кимёвий хоссалар беришга мўлжалланган охириги операциялардан бири ҳисобланади. Термик ишлов бериш назарияси металлшуносликнинг маълум бир қисми ҳисобланади. Металлшуносликнинг энг асосий вазифаси, бу металл ва қотишмаларни тузилиши ва техник муҳим хоссаси орасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ўрганишдир. Қиздириш ва совутишда металл материалнинг структураси ўзгаради, бу эса унинг механик, физик ва кимёвий хоссаларини ўзгаришига олиб келади.

Мис ва унинг қотишмаларига термик ишлов беришда қуйидаги асосий хусусиятларни эътиборга олиш керак: юқори иссиқлик ўтказувчанлик ва қиздиришда газлар билан ўзаро тасирлашуви. Юпқа ва ярим тайёр маҳсулотларга иссиқлайин ишлов беришда иссиқлик ўтказувчанлик иккинчи даражалидир. Ўлчамлари катта бўлган маҳсулотларни қиздиришда миснинг кўндаланг кесим бўйича иссиқлик ўтказувчанлиги бошқа қотишмалар (масалан титан қотишмалари)га қараганда тез ва юқоридир. Миснинг бу хусусияти туфайли мисни тоблашда муаммо туғилмайди. Катта ўлчамли деталларда ёки ярим тайёр маҳсулотларда товланиш бутун юза бўйлаб бир хил ва жуда яхши тарқалади. Юқори ҳароратларда мис ва унинг қотишмалари кислород ва сув буғи билан актив боғланишда бўлади, яъни тез таъсирлашади. Шунга кўра мисдан тайёрланган маҳсулот ва ярим маҳсулотларни термик ишлашда ҳимоя атмосферасидан фойдаланилади. Бундай ҳимоя атмосфераси алюмин қотишмаларини термик ишлашда кам ишлатилади. Мис ва унинг қотишмаларини юмшатишдан мақсад қотиш жараёнида структурани мувозанат ҳолатга келтиришда бузилишларни йўқоттишдир. Гомоген юмшатиш қуйма маҳсулотларда максимал ҳароратда қотишмани ташкил этувчилари оғиб кетмаслигини таъминлайди. Мис ва латунда ликвация нисбатан кам бўлади. Шунинг учун иссиқ ҳолда қуйиб ишланган деталларни гомоген юмшатишни ўзи етарли бўлади. Қуйма мисда эвтектика доналар чегарасида жойлашади ва нуқтавий тузилишга эга бўлади. Бундай мис қотишмаси деформацияланганда (босим билан ишланганда)

эвтектика емирилиб, мис (1)-оксид алоҳида-алоҳида қўшилмалар тарзида бўлиб қолади.

«Узметкомбинат» шароитида мис ва унинг қотишмаларига термик ишлов бериш технологияси бирмунча мураккаб ва у бир нечта операциялардан иборат. Прокатланган латунлар рулонларнинг 4 тасига бирданига термик ишлов берилади.


Рулонлар махсус тагликка жойлаштирилгач уни устидан махсус қопқоқ туширилади. Қопқоқ тагликка зич ёпилади ва ундан газ чиқишига йўл қўймайди. Қопқоқ ичига дастлаб азот юборилади, чунки азот кислород ва водород билан одатдаги шароитда таъсирлашмайди. Азот қопқоқ ичига жуда катта босим билан $150 \text{ м}^3/\text{соат}$ юборилади. Азот қопқоқ ичидаги кислородни сиқиб чиқариб 5-7 дақиқада қопқоқ ҳажмини тўлдиради. Сўнгра водород азотдан енгил газ бўлганлиги учун қопқоқнинг юқори қисмидан водород юборилади. Бунда водород энди азотни сиқиб чиқариб қопқоқ ҳажмини бутунлай эгаллайди. Бу ерда азотнинг вазифаси кислород билан водороднинг бир-бирига аралашиб реакцияга киришмаслиги учун оралик газ вазифасини ўтайди. Водород тўлдирилгач қопқоқ устидан махсус қиздириш қурилмаси туширилади. ЭБНЕР газ алангасида қиздирувчи қурилма бўлиб, газ алангаси қурилма ичига ёқилади ва қиздириш бошланади. ЭБНЕР термик ишлов бериш қурилмаси асосан 500°C ҳароратгача қиздиради. Маълум ҳароратгача қиздирилиб, маълум вақт шу ҳароратда ушлаб турилиб, кейин совитиш жараёни бошланади. Бу жараёнда қиздириш қопқоғи олиниб, совитиш қопқоғи ўрнатилади. Совитиш камераси ичига ҳаво ҳайдалади. Маълум ҳароратгача ҳаво билан совитилгач кейин сув билан совитилишга ўтади. 80°C гача печь қобиғида совитилиб, кейин совитувчи қопқоқ олинади ва химояловчи қопқоқ ичига яна азот газини юборилади. Водород газини сиқиб чиқарилади. Қопқоқ ичида азот сўриб олинади ва химоя қобиғи олинади. Рулонлар махсус кранлар орқали олинади ва юза қисмларини тозалаш учун махсус бўлимга юборилади.

Диссертациянинг **«Такмиллаштирилган прокатлаш технологиясининг энергетик параметрларини аниқлаш ва уни «Узметкомбинат» АЖ ишлаб чиқариш корхонаси шароитида қўллаш»** деб номланган тўртинчи бобида «Узметкомбинат» АЖ ишлаб чиқариш шароитида совуқ ҳолда прокатлаш ва юмшатиш усулида мис прокатини ишлаб чиқаришнинг ва симметрик прокатлашнинг технологик параметрлари ва уларнинг металлларнинг физик-механик, кимёвий хоссаларига таъсири таҳлили келтирилган. Мис ва унинг қотишмаларини прокатлаш учун деформацияланувчи асбобни янада модификациялаш (янгилаш) мақсадида совуқлайин прокатлаш стани учун ишчи валиклар танлаш амалга оширилди. Прокатлаш орқали мис ишлаб чиқаришда яримсаноат синовлар ва прокатлашнинг энергетик параметрларини ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Мис полосаларни прокатлашнинг энергетик параметрларини ҳисоблашнинг мавжуд бўлган услублари тўрт валикли прокат станида совуқлайин прокатлаш жараёнлари учун Б.В.Кучеряев методикаси мақбул

эканлигини кўрсатиб берди.


Кўргазмали таққослаш учун мавжуд бўлган 9 ўтимли (проходли) 17,9 дан то 3,0 мм гача полосани прокатлаш технологик схемасидан 7 ўтишгача қисқартирилган прокатлашда металл босимининг валикка таъсирига боғлиқлик графигини кураимиз. 4, 5- расмларда прокатлашнинг ўтимлари бўйича прокатлаш кучи боғлиқлик графиклари келтирилган. Бундан кўриниб турибдики, полоса қалинлигини 18 дан 3 мм гача қисқартиришда, прокатлаш режимларини тўғри танлаш ҳисобига ўтимлар сонини 9 тадан 7 тага камайитирилгани кўрсатилган. Бунда барча чегаравий шартлар сақланиб қолган.



1 – қатор мавжуд технологик схема бўйича 9 ўтишли прокатлаш;

2 – қатор қисқартирилган симметрик схема бўйича 7 ўтишли прокатлаш

4-расм. Прокатлашда полосанинг 17,9 дан то 3,0 мм гача қалинликкача ўтишлар бўйича боғлиқлиги графиги



1 – қатор мавжуд технологик схема бўйича 9 ўтишли прокатлаш;

2 – қатор қисқартирилган симметрик схема бўйича 5 ўтишли прокатлаш
5-расм. Прокатлашда полосанинг 3,0 дан то 0,5 мм гача қалинликкача ўтишлар бўйича боғлиқлиги графиги

Прокатлашда ҳисобланган маълумотларни баҳолаш учун эритиш ва қуйиш участкасида ликвацион белгилари, ёриқлар, сиқилган, газ ғовакчалари ва пуфакчалари бўлмаган мис полосаларнинг узлуксиз қуйиш усули танлаб олинди.

Ҳамма бажарилган ишлар халқаро DIN, DIN-EN, ASTM, ISO ва бошқа стандартларга жавоб беради.

Сферик ойчалар 20,0 мм диаметрли Эриксен ускунасида аниқланди.

Чўзишдаги нисбий узайиш, мустаҳкамлик чегараси SUN/5 серияли универсал синов машинасида аниқланган.

Микроструктура Nikon ECLIPSE L150 маркали саноат микроскопи ёрдамида аниқланган.

ХУЛОСА

«Листли металлларни совуқ прокатлаш жараёнини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Прокатлаш технологик асослари, илмий-техник ва технологик усуллар, энергиятежамкор прокатлаш агрегати ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган агрегатни қўллаш ноанъанавий усулларда модификацияланган листли металлларни олиш имконини беради.

2. Қўймакорлик усулида олинган, фрезаланган полосали металлларни прокатлаш режимлари ишлаб чиқилди. Олинган натижалар прокатлаш жараёнида энергиянинг 5-7% га тежалишига хизмат қилади.

3. Прокатлаш станида мис полосасини прокатлашнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилди. Олинган натижалар прокатлаш даврида ўтимлар сонини 7 дан 5 гача камайтиришга хизмат қилади.

4. Прокатланган листли металлларга термик ишлов бериш режимлари ишлаб чиқилди. Олинган натижалар ишчи валларга тушадиган юкламанинг 3% га камайтиришга хизмат қилади.

5. Назарий ҳамда тажрибавий тадқиқотлар асосида прокатлаш жараёнини оптималлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Олинган натижалар ишлаб чиқариш шароитида оптимал прокатлаш режимларини танлашга хизмат қилади.

6. Иқтисодий самарадор бўлган мис полосасини такомиллаштирилган прокатлаш технологияси ишлаб чиқилди. Олинган натижалар иқтисодий самарадорликнинг 3-5% га ошишига хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.27.06.2017.FM / Т.03.04 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

БАХАДИРОВ КУДРАТХОН ГАЙРАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА
ХОЛОДНОЙ ПРОКАТКИ ЛИСТОВЫХ МЕТАЛЛОВ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных,
цветных и редких металлов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1PhD/T69

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ik-falsafa@nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Сайдахмедов Равшан Халходжаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Махкамов Руфат Гулямович
доктор технических наук, профессор

Абдуллаев Фатхулла Саъдуллаевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Алмалыкский горно - металлургический комбинат

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM / T.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская 2. Тел/факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № ____). Адрес 100095, г. Ташкент, ул. Университетская 2. Тел: (99871) 227-10-32.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 года.)

К.А.Каримов

Председатель специализированного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Д.Тураходжаев

Ученый секретарь специализированного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Р.М.Михридинов

^/Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире более чем в ста странах ведутся исследования по улучшению качества, повышению долговечности и показателей энергосбережения при производстве изделий методом прокатки листовых металлов. В сфере машиностроения более чем 40% металлических изделий, обрабатываемых давлением, изготавливаются прокаткой. В последние годы уделяют большое внимание на разработку энергосберегающих методов прокатки листовых металлов в холодном состоянии. В то же время повышение требований к механическим свойствам прокатанных листовых материалов, создание новых технологий обработки металлов для получения изделий без внутренних напряжений, которые производятся методом пластической деформации в холодном состоянии являются одним из важных задач.

С момента обретения республикой независимости в нашей стране налажено производство легковых автомобилей и одновременно с производством конкурентоспособных отечественных легковых автомобилей на мировом рынке уделено особое внимание на локализацию их комплектующих частей. В этом направлении были достигнуты определённые результаты по освоению технологий производства листовых заготовок, в том числе изготовление листовых заготовок из проката, разработаны технологии, обеспечивающие необходимые геометрические размеры и снижены себестоимости изделий, производимые методом прокатки листовых металлов. Наряду с этими требуется усовершенствование энергосберегающих технологий, которые обеспечат конкурентоспособность экспортируемых изделий произведенных на металлургических комбинатах. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отдельно отмечена задача «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... сокращение энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий». При выполнении этой задачи усовершенствование процесса холодной прокатки листовых металлов вместо горячей прокатки, направленное на улучшение качества изделий и повышение конкурентоспособности считается одним из важных вопросов стоящих перед металлургическими комбинатами.

В мировой практике уделяют большое внимание усовершенствованию процесса холодной прокатки листовых металлов. В том числе, оптимизация числа проходов при прокатке листовых металлов, разработка технологии прокатки, позволяющей сократить влияния давления и скорости прокатки на механические свойства листового металла и разработка оптимальных

конструкций прокатных станов являются основными показателями развития данной сферы.

